

## Рамазон ўзи нима?



17:00 / 25.04.2020 2300

Шайх Абдулқодир Жийлоний раҳматуллоҳи алайҳ «Фуняту толибийн» да Рамазон ҳақида шундай ёзганлар: «Рамазон» сўзидаги ҳар бир ҳарф бу муборак ойдаги сифатни баён қилади.

«Рамазон» сўзидаги «ро» ҳарфи, бу «раҳмат» оийи.

«Рамазон» сўзидаги «мим» ҳарфи, бу «мағфират» оийи.

«Рамазон» сўзидаги «зод» ҳарфи, бу «жаннат зоминлиги (кафолати) берилган» оийи.

«Рамазон» сўзидаги «алиф» ҳарфи, бу «унс ва улфат» (меҳрибонлик ва дўстлик) оийи.

«Рамазон» сўзидаги «нун» ҳарфи, бу «нуроният» оийидир».

Раҳмат истасангиз, мағфират истасангиз, жаннат зоминлиги (кафолати)ни истасангиз, унс ва улфат (меҳрибонлик ва дўстлик) истасангиз, нуроният истасангиз, у ҳолда бу ойда кўп ибодат қилинг. Шунда барча нарсалар насиб қилади. ИншаАллоҳ.

**«Тажаллиёту рамазонал-муборак» китобидан**

**Абдулқайюм Комил таржимаси**